

---

## Марғилоннинг энг ишбилармон аёллари аниқланди

Марғилон шаҳридаги “Ижодкорлар боғи”да O‘zLiDePнинг “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови Марғилон шаҳар босқичи ўтказилди.

Марғилон шаҳар Оила ва хотин-қизлар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган танловни шаҳар ҳоқими Ш.Нисбатхонов кириш сўзи билан очиб, ушбу кўрик-танлов юртимиз иқтисодиёти, кичик бизнес ва хусусий секторнинг ривожланишида фаол иштирок этаётган шижоатли, ташаббускор хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ватанимиз келажаги йўлидаги интилиши, изланишларидаги фаол иштирокини рағбатлантириш, бугуннинг замонавий тадбиркор аёл қиёфасини яратиш мақсадида ўтказилаётганини таъкидлади.

Танлов доирасида ташаббускор ишбилармон, тадбиркор аёллар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Кўргазма павильонларида тадбиркор, ишбилармон, ҳунарманд хотин-қизлар раҳбарлик қилаётган МЧЖ, оилавий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, қўл меҳнати буюмлари, тўқувчилик, бадий безак санъати сингари ҳунармандчилик намуналари намойиш этилди.

Ҳакамлар ҳайъатининг якуний ҳулосаларига кўра, танловда 1-ўринни “Ризо текс саноат” МЧЖ раҳбари Дилдора Саидахмедова, 2-ўринни хусусий тадбиркор, моҳир ҳунарманд Озодахон Мадаминова ҳамда фахрли 3-ўринни “Моҳирабону файз ширинликлари” оилавий корхонаси раҳбари Раъноҳон Халиловалар қўлга киритиб, танловнинг вилоят босқичида иштирок этишга йўлланма олдилар.

2024-06-05 16:51:55